

“Ziraat Bank Uzbekistan” АЖ
Бошқарувининг
2025 йил “11” декабрдаги
йиғилиши 105-сонли қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Бошқарув Раиси

_____ **Волкан Гюлдюрмез**



КРЕДИТНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАРТЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

ХУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚҚАН ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМА	Кредитлаш бўлими
ТАСДИҚЛАШ УЧУН КИРИТИЛГАН САНА	11/12/2025 й.
ХУЖЖАТНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ	Банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг дастлабки шартларини қайта кўриб чиқиш тартибини белгилайди.
ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ХУЖЖАТЛАР	2020 йилда тасдиқланган “Кредитнинг дастлабки шартларини қайта кўриб чиқиш тартиби”
ХУЖЖАТ КУЧГА КИРИТИЛГАН САНА	Тартиб тасдиқланган кундан кучга киритилади.

МУНДАРИЖА

- 1. МАҚСАДИ.**
- 2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР.**
- 3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**
- 4. КРЕДИТЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАРТЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ҲОЛАТЛАРИ.**
- 5. МУРОЖААТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ.**
- 6. АРИЗАЛАРНИ БАХОЛАШ МЕЗОНИ .**
- 7. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**
- 8. КРЕДИТ ШАРТНОМАСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ**
- 9. АРИЗАНИ РАД ЭТИШ ТАРТИБИ .**
- 10. ШАРТЛАРИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН КРЕДИТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ .**
- 11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.**

1. МАҚСАДИ

1.1. Мазкур тартиб молиявий қийинчиликлар, мураккаб ҳаётӣ вазиятлар ёки форс-мажор ҳолатлари туфайли ўз вақтида кредит тўловларини амалга оширишда қийналаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг амалдаги кредитларининг шартларини қайта кўриб чиқиш тартибини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Банк	: “Ziraat Bank Uzbekistan” акциядорлик жамияти
Марказий банк	: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Кредит қўмитаси	: Бош Банк Кредит қўмитаси
Филиал	: “Ziraat Bank Uzbekistan” АЖнинг филиали, БХОлари
Кредит комиссияси	: “Ziraat Bank Uzbekistan” АЖнинг филиали, БХОларининг Кредит комиссияси
Кредит	: Банк томонидан тақдим этиладиган барча кредит маҳсулотлари турлари (кредит, лизинг, кафолат ва б.)
Таъминот	: Кредитлар бўйича қабул қилинган таъминот
Қарздор	: Банк олдида кредит қарздорлиги мавжуд бўлган юридик ва жисмоний шахс

3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси, “Банклар ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» Қонуни, Адлия Вазирлигида 14.07.2015 йилда 2696-сон билан рўйхатдан ўтган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги” Низоми, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами №3030-сонли 02.07.2018 йилдаги, Адлия вазирлиги томонидан 28.10.2025 йилдаи 3030-11 сон билан рўйхатга олинган) ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Банк томонидан ажратилган кредитларнинг шартларини қайта кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

3.2. Сабабидан қатъий назар, корхонанинг молиявий ҳолати бўйича қуйидаги ҳолатларнинг бири мавжуд бўлганда кредит **шартлари қайта кўриб чиқилган ҳисобланади**:

- фоиз ставкасининг пасайтирилиши, шартномада белгиланган ўзгарувчан фоиз ставкаси пасайиши муносабати билан фоиз ставкасининг пасайтирилиши ҳолатлари бундан мустасно;
- асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан қисман воз кечилиши, активнинг фойдаланилмаган қисми камайтирилиши бундан мустасно;
- фоизлар ва (ёки) асосий қарзга доир тўловларнинг бир қисми ёки барчасидан воз кечилиши;
- активнинг асосий қисми ва (ёки) фоизларининг тўлаш муддати кечиктирилиши ёки узайтирилиши, мижозни молиялаштиришни бошлаш муддати ўзгариши ҳисобига тўлов графигининг ёки тўловлар тўланадиган ой ичида тўлов санасининг ўзгартирилиши бундан мустасно;
- таъминот турининг ўзгартирилиши, кредитнинг бир қисми қайтарилганлиги муносабати билан таъминотдан чиқарилган ҳамда актив суммасини гаров суммасига нисбати

банкнинг ички ҳужжатларида кўрсатилган чегарадан кўп бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно;

- фоизларнинг капитализация қилиниши;
- мазкур банднинг иккинчи — еттинчи хатбошиларида кўрсатилган шартлардан бирини ёки бир нечасини қўллаган ҳолда қарз олувчининг ўзгартирилиши.

3.3. Кредитнинг қуйидаги шартлари ўзгарганда кредит шартлари қайта кўриб чиқилган ҳисобланмайди:

- фоиз ставкаси пасайтирилганда, бунда ўзгартиришдан сўнг миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкаси + 2 фоиз банддан кам бўлмаслиги лозим;
- кредит валютаси ўзгартирилганда, бунда кредит хорижий валютадан миллий валютага ўзгартирилганда кредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкаси + 2 фоиз банддан кам бўлмаслиги лозим;
- кредитнинг имтиёзли даври 6 ойгача узайтирилганда, бунда дастлабки график бўйича фоизлар тўлиқ тўланган ва янги графикда фоиз тўловлари назарда тутилган ҳамда кредитнинг имтиёзли даври тугамаган ва биринчи марта узайтирилаётган бўлиши, шунингдек шартноманинг охири муддатини узайтириш узайтирилаётган имтиёзли муддатдан кўп бўлмаслиги шарт.
- Бунда, кредит шартномаси шартлари қайта кўриб чиқиладиган вақтда қарздорнинг барча банклардан олинган кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги ва унинг кредити сифати «стандарт» ёки «субстандарт» тоифасида бўлиши ҳамда қайта кўриб чиқиладиган шартнома бўйича тўловларни тўлашда сўнги 6 ой ичида муддати кечиктирилган кунларнинг жами миқдори 60 кундан ошмаган бўлиши лозим.

4. КРЕДИТЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАРТЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ҲОЛАТЛАРИ

4.1. Юридик шахсларда қуйидаги ҳолатлар юзага келганда кредитни қайтариш муддати қайта кўриб чиқилиши мумкин:

- Мижознинг пул оқимлари яхши, аммо тўлов муддатлари мижознинг пул оқимлари билан бир санага тўғри келмаганда кредитни қайтариш санасининг ўзгариши;
- Мижознинг пул оқимлари мавсумий бўлса, ёки фаолият тури ўзгариши сабабли пул оқимлари муддатлари ўзгарса, кредитни қайтаришнинг муддатларини пул оқимларига мувофиқлаштириш;
- Мижознинг ҳозирда пул оқимлари етарли бўлмай, кейинчалик маълум муддатларда аниқ пул тушумлари манбалари мавжуд бўлганда, кредитни қайтариш муддатларини ушбу тушумларга мувофиқлаштириш.
- Агар мижознинг молиявий ҳолати ёмон бўлиб, кредитни кечиктирилган даврида уни қайтаришнинг аниқ (реал) манбалари мавжуд бўлмаса, кредитни қайтариш муддатлари қайта кўриб чиқилмайди.
- Фирманинг мол-мулкига таъқиқ қўйилган ёки суд ишлари олиб бориладиган бўлса, банкрот бўлиши ёки банкрот кечиктирилиши, бошқа турда молиявий ҳолатининг кескин ёмонлашиши кузатилганда бу кредит шартлари қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, балки бу кредитни муддатидан олдин ундириш чоралари кўрилиши лозим.

4.2. Жисмоний шахсларда қуйидаги ҳолатлар юзага келганда кредитни қайтариш муддати қайта кўриб чиқилиши мумкин:

- Иш ҳақи камайиши ёки вақтинчалик тўхтатилиши;
- Ишдан бўшатилиш (расмий тасдиқ билан);
- Оила таркибининг кескин ўзгариши (ажралиш, боқувчининг йўқолиши);
- Табiiй офатлар (зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқалар);
- Харбий ҳаракатлар ёки фавқулодда ҳолатлар;

- Давлат томонидан эълон қилинган пандемия ёки чекловлар.
- Хомиладорлик ва туғиш таътилига чиққан аёллар амалдаги кредитлари бўйича тўловлар муддатини ўн ойга қадар узайтириш бўйича ариза топшириши мумкин.

5. МУРОЖААТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

5.1. Қарздор мавжуд кредитининг дастлабки шартларини ўзгартириш учун Банкнинг хизмат кўрсатилаётган Банк офисига ёзма ариза билан мурожаат қилади.

5.2. Мижознинг эҳтиёжига кўра кредитнинг маълум бир қисмидан фойдаланмаслиги сабабли кредит миқдорининг камайтирилиши бўйича қарор Комиссия томонидан мустақил қабул қилинади.

5.3. Кредитларнинг дастлабки шартларини қайта кўриб чиқиш учун мижоздан ёзма ариза олинади ва кўриб чиқиш учун Бош Банк Кредит Қўмитасига йўналтирилади;

5.4. Ушбу Низомнинг 5.1. бандидан ташқари ҳолатларда Кредитнинг амалиёт кундаги қарз қолдиғи миқдори инobatга олиниб, кредит қарорида махсус ваколат белгиланмаган бўлса, ваколатлар доирасида Бош банк Кредит Қўмитаси ёки ундан юқори Коллегиал органлар (ваколатли орган) томонидан кўриб чиқилади.

5.5.Юридик шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиш муддати кредит risksдан келиб чиққан ҳолда ваколатлар даражасида 30 (ўттиз) календар кунда кўриб чиқилади.

5.6. Жисмоний шахсларнинг аризаларига қуйидаги ҳужжатлар илова қилиб тақдим этилади:

- Паспорт ёки ID карта нусхаси;
- Молиявий қийинчиликни тасдиқловчи ҳужжатлар (ишдан бўшаш варақаси, тиббий ҳужжатлар ва бошқалар);
- Форс-мажорни тасдиқловчи ҳужжатлар (ФВВ, маҳаллий ҳокимият, суд ёки бошқа ташкилотлар маълумотномаси);
- Хомиладорлик ва туғиш таътили бўйича аризалар учун - тиббий муассасанинг тасдиқловчи ҳужжати.
- Жисмоний шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиш муддати 5 (беш) банк иш куни.

6. АРИЗАЛАРНИ БАХОЛАШ МЕЗОНИ

6.1. Аризани баҳолашда Банк қуйидаги омилларни ҳисобга олади:

- Мижознинг ҳозирги молиявий ахволи;
- Тўлов интизоми (олдинги тўловлар тарихи);
- Таъминот (гаров) киймати ва ҳолати;
- Кредитнинг қолдиқ миқдори ва муддати;
- Келтирилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва асосланганлиги;
- Мижознинг умумий риск даражаси.

7. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Қарор қабул қилинганидан сўнг банк мижозни қуйидаги усуллардан бири орқали хабардор қилади:

- ёзма жавоб хат орқали;
- SMS-хабар ёки электрон почта орқали;
- банк бўлимида шахсан топшириш орқали.

7.2.Хабарномада қуйидагилар кўрсатилади:

- қарор мазмуни (қониқтирилди ёки рад этилди);
- ўзгартирилган шартлар (агар тасдиқланган бўлса);
- рад этиш сабаблари (агар рад этилган бўлса);

- қўшимча келишув тузиш тартиби.

8. КРЕДИТ ШАРТНОМАСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

8.1. Ижобий қарор қабул қилингандан сўнг филиал томонидан 3 (уч) банк иш куни ичида мижозга хабар берилади.

8.2. Филиаллар томонидан кредит шартномасига қўшимча келишув расмийлаштирилади ва янги тўлов графиги шакллантирилади ва мижозга қоғоз шаклида берилади.

8.3. Мижоз қўшимча келишувни имзолаганидан сўнг янги шартлар кучга киради.

8.4. Филиал ходими томонидан автоматлаштирилган банк тизимидаги кредит анкеталарига тегишли ўзгартиришларни киритади.

9. АРИЗАНИ РАД ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Банк аризани рад этган тақдирда, мижозга ёзма равишда асослантирилган жавоб тақдим этади.

9.2. Рад этиш сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Хужжатларнинг етарли эмаслиги ёки нотўғри расмийлаштирилиши;
- Молиявий қийинчиликнинг тасдиқланмаганлиги;
- Кредит бўйича юқори даражадаги хавф;
- Шартнома шартларининг ўзгартирилиши банк сиёсатига зид бўлиши.

9.3. Рад этилганлиги хақида хабар бериш муддати – 3 (уч) банк иш куни.

10. ШАРТЛАРИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН КРЕДИТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

10.1. Шартлари қайта кўриб чиқилган кредитларни таснифлаш Адлия Вазирлигида 14.07.2015 йилда 2696-сон билан рўйхатдан ўтган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолӣ йўқотишларни қоплаш учун заҳиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги” Низом талаблари асосида амалга оширилади.

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Мазкур Низом тасдиқланган кундан эътиборан кучга киритилади ва банкнинг барча тегишли таркибий тузилмалари учун бир хил амал қилади.

11.2. Мазкур Низом қайд этилмаган ва юзага келган ҳолатлар амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Киритилди:

Кредитлаш бўлими бошлиғи

А.А. Раҳимжанова

Келишилди:

Бошқарув Раисининг 1-ўринбосари

О.Э. Эшмурзаев

Муаммоли кредитлар билан ишлаш
ва юридик маслаҳатлар бошқармаси

Т.Э. Тигай